



# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## 2017—2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида

Кейинги йилларда қишлоқ жойларда аҳоли учун намунавий лойиҳалар асосида яқна тартибдаги уй-жойлар қуриш бўйича кенг қўланиш ишлар амалга оширилганлиги қайд этилсин. Фақат 2009 — 2016 йиллар даврида қишлоқ жойларда 1308 турар жой массивида умумий майдони 9 573 миң квадрат метр бўлган 69 557 та шинам уй-жой қурилди. Қишлоқлардаги 83,5 миңдан ортиқ оиланинг яшаш шароити яхшиланди.

Қурилган чора-тадбирлар оилаларни замонавий, сифатли, шинам уй-жой билан таъминлашга, қишлоқда янги муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини шакллантиришга кўмаклашди, қишлоқнинг кифоасини янги даражага кўтариш ва шу асосда қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражасини яхшилаш ва дунёқарашини ўзгартириш имконини берди.

Шу билан бирга, ушбу соҳани ўрганиш аҳолининг реал эҳтиёжлари ва харид қобилиятини, шунингдек миллий менталитетини ва қишлоқ жойларда яшаш шароитларининг хусусиятларини тўлиқ ҳисобга олиб қурилиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган принципал жиҳатдан янги ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш даражасини тубдан ошириш мақсадидан:

1. Қуйидагилар қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

яшаш учун ижтимоий-маиший шарт-шароитларни яхшилаш, қишлоқ аҳолисининг замонавий, сифатли, шинам, арзон уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш;

қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш учун ажратилган турар жой массивларида муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ва транспорт тармоқларини биргаликда ривожлантириш;

конструктив ва архитектура-режалаштириш ечимларини оптималлаштириш ҳисобига лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишлари, шунингдек барпо этилаётган уйлар таннархини пасайтириш;

энергияни тежайдиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг янги турларидан фойдаланишни кенгайтириш;

жойларда қурилиш индустриясини ривожлантириш, пудрат ташкилотларининг қувватларини кўпайтириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

уй-жой қурилиши учун ажратиладиган ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

қишлоқ жойларда яқна тартибда уй-жой қурилиши учун имтиёзли кредитлар беришнинг фуқаролар учун янада қулай шартларини жорий этиш.

2. Қишлоқ жойларда мавжуд намунавий лойиҳаларга қўшимча равишда арзон уйларнинг қуйидаги янги намуналарини (кейинги ўринларда уйлар деб аталади) жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин:

хўжалик иморатлари ва обод ҳовлилари бўлган икки, уч қаватли кўп квартиралар (2, 3 хонали) уйлар;

аҳоли зич жойлашган туманларда ҳовлидаги иморатлар билан биргаликда майдони 0,02 гектар бўлган ер участкаларида жойлаштирилган бир қаватли 2 ва 3 хонали уйлар;

ҳовлидаги иморатлар билан биргаликда майдони 0,04 гектар бўлган ер участкаларида жойлаштирилган икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган уйлар.

3. Белгилансинки, уй-жойларнинг янги намуналарини қуриш учун «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ипотека банк» АТБ, «Халқ банки» АТБ, «Асака банк» АТБ ва «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ (кейинги ўринларда иштирок этувчи тижорат банклари деб аталади) уй қурувчиларга 3 йиллик имтиёзли давр ва биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдоридagi фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида 15 йил муддатда ипотека кредитлари берадилар, бунда уй қурувчиларнинг дастлабки бадални қуйидаги миқдорларни ташкил этади:

15 фоиз — икки, уч қаватли кўп квартиралар (2 ва 3 хонали) уйлар ва 2, 3 хонали бир қаватли уйлар учун;

25 фоиз — икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган уйлар учун.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, иштирок этувчи тижорат банклари ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган 2017 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) маъқуллансин. Дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

2017 йилда намунавий лойиҳаларнинг аниқ турлари бўйича қишлоқ жойларда умумий молиялаштириш ҳажмлари 2 121,5 миллиард сўм бўлган 15,0 миңга арзон, замонавий, шинам уй-жойлар, шу жумладан биринчи тури бўйича — 4 608 та, иккинчи тури бўйича — 3 739 та, учинчи тури бўйича — 3 672 та, қуришнинг йиғма ва асосий параметрлари 1-5-иловаларга мувофиқ;

2017 йилда турар жой массивлари учун муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектилари қуриш бўйича йиғма кўрсаткичлар 6-иловага мувофиқ;

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ҳокимлигига, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жағмармаси, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АК, иштирок этувчи тижорат банклари, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар раҳбарлигига: маъқулланган Дастур параметрларига мувофиқ уйлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектилари қуриш;

қурилиш-монтаж ишлари таннархини пасайтиришга, маҳаллий қурилиш индустриясини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришга, пудрат ташкилотларининг салоҳиятини мустаҳкамлашга йўналтирилган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

иштирок этувчи тижорат банкларининг буюртманомалари бўйича иштирок этувчи тижорат банкларининг маржаси йилга 4 фоиз миқдорда бўлишини ҳисобга олган ҳолда йилга 3 фоизли ставка бўйича 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олувчи 15 йил муддатга миллий валютада кредит линиялари оқсин, бунда кредит линияси маблағларини Дастур доирасида уйлар қуришга мақсадли йўналтирсин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Марказий банк ва иштирок этувчи тижорат банклари билан биргаликда Дастурни амалга оширишга халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматларнинг молиялаштирувчи ташкилотларининг имтиёзли узоқ муддатли кредитларини жалб этиш масаласини ишлаб чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, иштирок этувчи тижорат банклари ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти билан биргаликда қишлоқ аҳолисининг уй-жойларнинг ҳар бир намунасида бўлган талабини ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, 2017 йил 1 апрелгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига кейинги йилларда Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури молиялаштириш миқдорлари ва манбаларини белгиласин, шу жумладан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматларнинг молиялаштирувчи ташкилотларининг кредит маблағларини жалб этишини назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда 2018 — 2021 йилларда Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури молиялаштириш миқдорлари ва манбаларини белгиласин, шу жумладан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматларнинг молиялаштирувчи ташкилотларининг кредит маблағларини жалб этишини назарда тутсин.

»(2).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, хизмат бурчини бажариш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда мардлик ва жасорат кўрсатгани ҳамда ёш авлодни она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕХНАТ ШУХРАТИ»

ОРДЕНИ БИЛАН

Тажбаев Валерий Викторович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отрядлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи

II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ»

ОРДЕНИ БИЛАН

Ражапов Бахтиёр Рузметбоевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар

вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бошқарма бошлиғининг ўринбосари

Яхшилик Лочинбек Яхшилик

— Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Азизов Руслан Минилевич — Ўзбе-

кистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти кафедра бошлиғи

Диров Александр Юрьевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси кафедра катта ўқитувчиси

Қурбанбаева Умида Турсинбаевна — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

Нуриддинов Жамолiddин Пахриддинович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бошқармаси республика шифохонаси бошлиғи

»(2).

## Истиқболли лойиҳалар тақдимоти

Пойтахтимизда X Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси бошланди



Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида мамлакатимизнинг барча тармоқлари ва етакчи корхоналари иштирок этмоқда. Қурилиш материаллари саноати, енгил саноат, автомобилсозлик, машинасозлик, озик-овқат, электротехника ва фармацевтика саноати шулар жумласидан.

Иштирокчилар ўзлари ишлаб чиқараётган ёки ўзлаштирилиши режалаштирилаётган маҳсулотлар, саноат кооперацияси орқали маҳаллийлаштиришга тақлиф қилинаётган маҳсулотлар турлари ҳамда истиқболли лойиҳалари билан қатнашмоқда. Барча вилоятлар ўзлари-

да мавжуд бўлган, бироқ ҳали талаб даражасида фойдаланилмаётган иқтисодий, молиявий, меҳнат ресурсларини ва истиқболли лойиҳаларни тақлиф этмоқда.

Мазкур форум доирасида мамлакатимизнинг етакчи саноат корхоналари ўз тақдимотларини ўтказди.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг секторлар бўйича жойлаштирилгани, павилонларда эълон қилинган маълумотлар тадбирлар иштирокчиларига ўзларини қизиқтирган объеклар, расмий вакиллари тез топиш имконини бермоқда.

Иқром ҲАСАНОВ олган сурат.

### Ислоҳот

Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилганлиги тўғрисида тадбиркорлик соҳаси кенг қулоч бўлмоқда. Янгидан-янги ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилиб, иқтисодиётимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг саноат маҳсулотлари улуши ошиб бораётир.

## Ёшлар иш билан банд

Зарафшон шаҳрида шу йилнинг январ ойидан ишга туширилган «ORIANNA YARNS TEXTIL» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасида 150 нафар ишчи меҳнат қилади. Улар сафида Зарафшон компютер технологиялари коллежининг 22, Зарафшон тиббиёт коллежининг 7 нафар битирувчиси муқим иш ўрнига эга.

Қизларнинг моҳирлик билан дастгоҳларни бошқараётгани хавасингни келтиради. Цехда 19 та замонавий ускуна бир маромда ишлаб турибди.

— Корхонада акрил толани ишлаб чиқарилади. Юнг ўрнини босувчи сунъий толадан олинган ип табиийсидан деярли фарқ қилмайди, — дейди корхона раҳбари Баҳодир Тулаганов. — Хом-

ашё Туркиядан келтирилади. Бир кунда 1,5 тонна тайёр маҳсулот етказиб бераёلمиз. У ички бозор ва хорижга экспорт қилинаёпти. Асосан Қозғистон ва Россия ишбилармонлари маҳсулотимизга харидор бўлишмоқда.

Ишчилар иссиқ овқат билан таъминланади. Корхонага келиб-кейтиш учун махсус транспорт ажратилган. Айни пайтда бу ерда ип ишлаб чиқаришда Келгусида илдан таъминланади. Корхонага келиб-кейтиш учун махсус транспорт ажратилган. Айни пайтда бу ерда ип ишлаб чиқаришда Келгусида илдан таъминланади. Корхонага келиб-кейтиш учун махсус транспорт ажратилган. Айни пайтда бу ерда ип ишлаб чиқаришда Келгусида илдан таъминланади.

Бу, ўз навбатида, истиқболда янада кўпроқ ёшларни иш билан таъминлаш ва шаҳар иқтисодиётини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Жамолiddин АХТАМОВ

### Сайлов — 2016

2016 йил 22 октябр куни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг ваколатли вакили Марказий сайлов комиссиясига сиёсий партия томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди.

## ЎзИдеп ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИГА ҲУЖЖАТЛАР ТОПИРДИ

Шу муносабат билан ташкил қилинган тадбирда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партия ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қонунийлик асосан сиёсий партия раҳбарининг Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб ёзган аризаси тақдим этилди.

Аризага Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси VIII съездининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, партия томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзо варақалари илова қилинди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг ваколатли вакилига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома берди. Тақдим этилган ҳужжатларнинг қонунда белгиланган муддатда сайлов қонунийлиги талабларига мувофиқлиги кўриб чиқилди.

Ҳозирги кунда Марказий сайлов комиссиясида имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганини текшириш юзасидан ички ишлар, адлия органлари, аҳолини ҳисобга олиш билан шугулланувчи муассасаларнинг мутахассислари, шунингдек, жамоатчилик вакилларида иборат экспертлар гуруҳлари ўз ишини давом эттирмоқда.

ЎЗА

# БУГУННИНГ НАФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## 2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қ(1).

#### «МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдурашидов Шахзод Абдурашид ўғли** — Тошкент вилояти Бўстонлик тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

**Ахмедов Бекзод Бухорович** — Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Дустмуродов Фахриддин Пардаевич** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси харбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлими командири

**Жўраев Акмалжон Хайдаралиевич** — Андижон вилояти Олтинкўл тумани ички ишлар бўлими канцелярияси катта иш юритувчиси

**Олимбеков Фарход Суёнбаевич** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Нажимов Одил Зайнудинович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси харбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлими командири

**Турсунов Муроджон Ғайратович** — Фаргона вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

#### «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Дадабоев Илхомжон Абдуқаҳорович** — Андижон шаҳар Ички ишлар бошқармаси харбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми катта ёнғин учирувчиси

**Жумаев Уктамжон Бешимович** — Бухоро шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

**Курбонбоев Шухрат Сафарович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлигининг ўринбосари

**Мустафаев Суннатullo Зоирович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Палуняязов Бахтиёр Уразалиевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Хурматов Таҳир Адашович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси етакчи мутахассиси

**Юсупов Махмуджон Муталибович** — Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

#### «СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдухаликов Абдуразақ Абдумалипович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиги

**Матякубов Хурмат Бекбергенович** — Хоразм вилояти Янгибозор тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Махкамов Фуркат Исраилович** — Тошкент вилояти Оққўрғон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Мирзагитов Миркамол Мирахмадович** — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат фельдъегерлик хизмати катта инспектори

**Мурадов Миркомил Мурсалович** — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори

**Мустафаев Тимур Мўйдинжонович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармаси бўлим бошлигининг ўринбосари

**Наркулов Рустам Янгибаевич** — Сурхондарё вилояти Термиз тумани ички ишлар бўлими катта эксперти

**Норқобилов Бекзод Улашевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси харбий қисм командирининг ўринбосари

**Раҳманкулов Улугбек Каримкулович** — Сирдарё вилояти Бобўв тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Сартаева Шохиста Яхшибековна** — Жизжад вилояти Ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлигининг ёрдамчиси

**Турғунов Абборжон Анварович** — Фаргона вилояти Ички ишлар бошқармаси тергов бошқармаси бўлими бошлиги

**Юлдашов Абдумажид Мардиевич** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлигининг ўринбосари

#### «ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдураимов Ойбек Тошбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус отряди катта мутахассис-кинологи

**Аслонов Тўлқин Олимович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бўлим бошлиги

**Баротов Тулқин Тухтаевич** — Бухоро вилояти Ғиждувон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Махамедов Азим Суннатович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати бригадаси бўлими командири

**Мирзаев Фарходжон Одилжонович** — Наманган вилояти Учқўрғон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Нажмиддинов Низомидин Садирдинович** — Фаргона вилояти Данғара тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Сафаров Сайдулло Каршибоевич** — Сурхондарё вилояти Узун тумани ички ишлар бўлими қуриқлаш бўлими бошлиги

**Юсупов Аббор Алимжонович** — Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси «Андижон» темир йўл бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
вазифасини бажарувчи Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2016 йил 24 октябр

Қ(1).

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Ички ишлар ҳокимликлари келгуси йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури доирасида ҳар йилли белгиланган тартибда:

1 майгача — Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишган ҳолда, кейинчалик уйлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари қуриш учун «Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖга бериладиган, қишлоқ ҳўжалиги мақсадидаги ерлар тоифасига ва ўрмон фондига кирмайдиган, ташқи муҳандислик коммуникациялари уланадиган массивлар рўйхати тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

1 сентябргача — иштирок этувчи тижорат банклари билан биргаликда талабдорлар аниқладиниши ва уйлар қуриш учун уларнинг дастлабки бадаллари шакллантирилишини;

1 октябргача — «Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда фойдаланишига тайёр ҳолда топшириш шартларида уйлар қуриш учун Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган пудрат ташкилотларини аниқлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини;

1 ноябргача — «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АҚ, Республика йўл жамғармаси ва «Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ билан биргаликда янгидан қуриладиган қишлоқ турар жой массивларида муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектлари қуриш учун Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган пудрат ташкилотларини аниқлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини таъминлашини;

9. «Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури доирасида турар жой массивларида сув таъминоти объектлари ва автомобиль йўллари қуриш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

10. Белгилансинки, турар жой массивларида сув, электр, газ таъминоти объектлари ва автомобиль йўллари қуриш тегишли равишда республика бюджети, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтранс-

газ» АҚ ва Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

11. «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, иштирок этувчи тижорат банклари ва «Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ билан биргаликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тавсиялари асосида, ариза берувчи — уй қурувчининг Дастурдаги иштироки тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини бир ой муддатда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. 2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури доирасида 2022 йил 1 январгача:

пудрат ташкилотлари — «Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ билан тузилган шартномалар бўйича фойдаланишига тайёр ҳолда топшириш шартларида массивларда уйлар, сув таъминоти объектлари ва автомобиль йўллари қуриш бўйича ишлар ҳажмлари учун — солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

субпудрат ташкилотлари — массивларда уйлар, сув таъминоти объектлари ва автомобиль йўллари қуришга «Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ билан шартномалар тузган бош пудрат ташкилотлари билан тузилган контрактлар бўйича улар томонидан бажариладиган ишлар ҳажмлари учун — ягона солиқ тўлови тўлашдан;

қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, шунингдек уларни ташийдиган ташкилотлар — фойдаланишига тайёр ҳолда топшириш шартларида уйлар қуриш учун «Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖга ва «Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ билан шартномалар тузган бош пудрат ташкилотларига қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни реализация қилиш ва уларни ташийш (жумладан импорт материалларни) ҳажмлари учун қўшилган қиймат солиғи, ягона солиқ тўлови ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

«Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ — солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан; «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ — «Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ билан тузилган шартномалар бўйича уйлар, муҳандислик-транспорт комму-

никациялари ва инфратузилма объектлари қуриш бўйича бажарилган лойиҳа-қидирув ишлари ҳажмлари учун — қўшилган қиймат солиғи тўлашдан; «Ўзсаноатэкспорт» АЖ — 7-иловага мувофиқ республикада ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган ёғоч-тахта материаллари, томга ёпиладиган металл листлар учун божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно), шунингдек Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича бошқа қурилиш материаллари учун, улар «Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖга сотилганда — қўшилган қиймат солиғи тўлашдан; «Тошкент қишлоқ қурилиш сервис» МЧЖ ва транспорт корхоналари — металл листларни қайта ишлаш ва уларни «Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖга етказиб бериш бўйича ишлар ҳажмлари учун — қўшилган қиймат солиғи, ягона солиқ тўлови ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ушбу қарорда назарда тутилган солиқ ва божхона имтиёзларидан тўғри фойдаланишни устидан қатъий назорат ўрнатсин.

13. Куйидагиларга истисно тариқасида:

2017 йил 1 мартгача бўлган муддатда — 2, 3 ва 4-иловаларда қўрсатилган уйларнинг қурилиш-монтаж ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда амалга оширишга;

2017 йил 1 январгача фойдаланишига топшириш юзасидан зарур чоралар қўрилган ҳолда 0,02 гектар майдондаги ер участкаларига жойлаштирилган 26 та икки, уч қаватли кўп квартиралар (2 ва 3 хонали) уйларини ва 130 та бир қаватли 2, 3 хонали уйларни жорий йилда қуришни бошлашга;

8-иловага мувофиқ рўйхат бўйича уйлар қуриш учун бош пудрат ташкилотларига марказлаштирилган тартибда етказиб бериладиган асосий қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарнинг «Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ томонидан тендер савдолари ўтказилмасдан энг мақбул таклифлар танлови орқали сотиб олинishiга рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
вазифасини бажарувчи

Тошкент шаҳри,  
2016 йил 21 октябр

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзуришби-материаллари» АҚ ва «Ўзметкомбинат» АЖ буюртмачи ва лойиҳалаш ташкилотининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ушбу қарор билан тасдиқланган Дастур доирасида уйлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва ижтимоий инфратузилма объектлари учун тартибга солинадиган нархлар бўйича цемент ва металл прокати ажратилишини таъминлашини.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси «Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ, «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда Дастурни амалга ошириш доирасида қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши сифати ва лойиҳа ечимлари, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қондаларига риоя этилиши устидан давлат архитектура-қурилиш, техник ва муаллифлик назоратлари юритилишини таъминлашини.

16. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ ва иштирок этувчи тижорат банклари билан биргаликда Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурининг мақсадлари ва вазибалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсинлар.

17. «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ, «Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қўнғун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф киритсин.

18. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И.Закиров зиммасига юклансин.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги қарорига ШАРҲ

Кейинги йилларда республикада қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини яхшилаш, намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жойлар қуриш ҳисобига қишлоқ аҳолисининг ҳаёти даражаси ва сифатини ошириш, қишлоқда муҳандислик ва транспорт коммуникацияларини, ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш бўйича кўламли ишлар амалга оширилди. Фақат 2009 — 2016 йилларда қишлоқ жойларда 1308 турар жой массивида умумий майдони 9 миллион 573 миң квадрат метр бўлган 69 557 та шинам уй-жой қурилди. Қишлоқлардаги 83,5 миңдан ортиқ оиланинг яшаш шaroити яхшиланди.

Шу билан бирга, ўрганиш якуналари аҳолининг реал эҳтиёжларини ва харид қобилиятини, шунингдек миллий менталитетини ва қишлоқ жойларда яшаш шaroитларини тўлиқ ҳисобга олувчи қурилишнинг юқори самарадорлигини таъминлайдиган принципал жиҳатдан янги ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Қишлоқ аҳолисининг замонавий ва арзон уйларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжи имтиёзли кредит беришининг юқори даражадаги шартларини жорий этишни, энергияни тежайдиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг янги турларидан фойдаланишни янада кенгайтиришни, шунингдек барпо этилаётган уйларнинг таннахрани пасайтиришни талаб қилмоқда.

Ушбу муҳим вазифалар ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинган қарор қишлоқ аҳолисининг кенг қатламлари учун замонавий ва шинам уйлардан фойдаланиш даражасини тубдан оширишга, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга ва қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантиришга йўналтирилган.

Қарор тўпланган тажрибани ўрганишни ҳисобга олиб қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой қурилишига янгича ёндашуви мустақамлаиди. Қарорда беш йиллик даврга мўлжалланган қишлоқ жойларда арзон уйлар қуришининг кўламли Дастурини амалга ошириш назарда тутилган. Дастурга асос қилиб олинган янгиланган намунавий лойиҳалар қишлоқ аҳолисининг юқорида кўрсатиб ўтилган талаблари ва эҳтиёжларини тўлиқ ҳисобга олади, чунки уларнинг фикрлари ва истак-хоҳишлари ҳисобга олинми ишлаб чиқилган.

Дастурда қишлоқ жойларда нарх параметрлари ва шинамчилигига кўра яқка тартибдаги уй-жойлар намуналарининг учта энг арзон турларини қўшимча равишда барпо этиш назарда тутилди.

Жумладан, **биринчи тури** бўйича уч ёки тўрт йўлак-ли, ҳўжалик иморатлари ва обод ҳовлилари бўлган икки ва уч қаватли кўп квартиралар уйлар барпо этиши-

ни назарда тутди. Мисол учун бундай уйларда умумий майдони 42,4 квадрат метр ва тахминий қиймати 72,5 миллион сўм, ҳўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 85,0 миллион сўм бўлган икки хонали квартиралар қуриш режалаштирилмоқда.

Уз навбатига, уч хонали квартираларнинг майдони 52,4 квадрат метр ва тахминий қиймати 88,5 миллион сўм, ҳўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 100,7 миллион сўм бўлади.

Бундан ташқари, кўрсатиб ўтилган кўп квартиралар уйларини қуришда квартиралар эгаларининг эҳтиёжларини қондириш мақсадида ҳовлида жойлаштирилган икки иморатлар — болалар майдончалари, дам олиш учун айвонлар, душ ва бошқалар барпо этиш назарда тутилди.

**Иккинчи турига** мувофиқ аҳоли зич жойлашган туманларда 2 сотих майдондаги ер участкасида барпо этиладиган бир қаватли икки ва уч хонали арзон уйлар қуриш мўлжалланмоқда. Бундай икки хонали уйларнинг умумий майдони 53,0 квадрат метр ва тахминий қиймати 93,8 миллион сўм, ҳўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 101,5 миллион сўм бўлади.

Уч хонали уйларнинг умумий майдони 63,5 квадрат метр ва тахминий қиймати 111,0 миллион сўм, ҳўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 118,7 миллион сўм бўлади. Уйларнинг ҳовлисида ҳўжалик иморатлари қуриш назарда тутилди.

**Учинчи тури** 4 сотих майдондаги ер участкасида барпо этиладиган умумий майдони 115,0 квадрат метр бўлган ягона блокка биравлаштирилган икки қаватли тўрт хонали уйлар қуришни назарда тутди. Бунда қўрсатиб ўтилган уйларнинг тахминий қиймати 162,0 миллион сўми, ҳўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 181,8 миллион сўми ташкил этади. Уйларнинг ҳовлисида ҳўжалик иморатлари қуриш назарда тутилди.

Агар 2009 йилда қабул қилинган Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жойлар қуриш дастури доирасида уй қурувчининг дастлабки бадали 25 фоизни ташкил этган бўлса, янги Дастур бўйича ушбу бадал биринчи ва иккинчи турдаги уйларни қурувчилар учун атиги 15 фоизни ташкил этади. Бу арзон уйлар Дастурига қиймат аҳолисининг кенг қатламларини жалб этишга қўмақлашади.

Бундан ташқари, икки этакка кредити уч йиллик имтиёзли давр ва биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдоридagi фоиз ставкаси билан 15 йил муддатда берилади. Кейинги йилларда кредитнинг фоиз ставкаси Марказий банкнинг ҳозирги вақтда йиллик 9 фоизни ташкил этадиган қайта мо-

лиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлмайд.

Дастурни молиялаштиришга фақат 2017 йилда 2 триллион 121,5 миллиард сўм йўналтирилади, шу жумладан уй қурувчиларнинг маблағлари билан биргаликда давлат бюджетидан 350,0 миллиард сўм ажратилади, шунингдек тижорат банкларининг 2 триллион сўмдан ортиқ миқдордаги кредит ресурсларини жалб этиш назарда тутилди.

Умуман олганда, Дастурда 2017 йилда 15 миңга янги уй ва квартира, шу жумладан 4608 та биринчи турдаги, 3739 та иккинчи турдаги, 3672 та учинчи турдаги уйларни ҳамда 0,06 гектар майдонга 3, 4 ва 5 хонали 2981 та бир қаватли уй қуриш назарда тутилди.

Шу билан бирга янги қуриладиган уй-жой массивларида фақат давлат ресурслари ҳисобига 415,3 километр сув таъминоти тармоқлари, 291,5 километр электр таъминоти тармоқлари, 316,9 километр газ таъминоти тармоқлари ва 260,3 километр автомобиль йўллари, шу жумладан массивлар ичида кириш йўллари ва йўллар, шунингдек 134 та ижтимоий инфратузилма объектини барпо этиш мўлжалланмоқда.

Қурилиш-монтаж ишлари сифатига қўйилган талабларнинг оширилиши Дастурнинг яна бир муҳим хусусияти ҳисобланади. Бунда асосий қурилиш материаллари ва буюмларига қурилиш-пудрат ташкилотларининг харажатларини оптималлаштириш ҳисобига барпо этиладиган намунавий уй-жойлар қиймати пасайиши таъминланади.

Бундан ташқари, уйларнинг арзонлигига Дастур иштирокчилари учун солиқ, божхона имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар берилиши туфайли ҳам эришилади. Масалан, пудрат ташкилотлари арзон уйлар қуриш доирасида бажариладиган ишлар ҳажми учун солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилади.

Ушбу Дастурнинг самарали амалга оширилиши давлат тузилмаларининг алоҳида назорати остида бўлади, унда назарда тутилган кўрсаткичлар бажарилишининг тизимли мониторинги олиб борилади.

Янгиланган лойиҳалар бўйича барпо этиладиган уйлар ўзининг нарх параметрлари, сифат тавсифлари ва шинамчилиги бўйича Марказий Осиёда ўхшашли йўқлигини эътироф этиш зарур.

Қарорнинг амалга оширилиши қишлоқни ободонлаштиришнинг ва қишлоқ аҳолиси ҳаёт даражасини тубдан оширишнинг асосий омилларидан бири сифатида қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

Шўрсувда янги корхона



Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги Шўрсув шаҳарчаси ҳудудида фойдаланиш қазилма конлари мавжуд. Бу заминдаги оҳак, гипс тошлар, темир таркибли оҳра тупроқлар табиатнинг ноёб бойликларидир. Ушбу табиий имкониятлардан унумли фойдаланаётган шўрсувлик тадбиркорлар янги ишлаб чиқариш субъектлари ташкил этмоқда.

Тумандаги «Turon eco cement» масъулияти чекланган жамияти қошида янги цемент ишлаб чиқариш заводи иш бошлади. Хитойлик мутахассислар ҳамкорлигида қуриб битказилган заводда кунига 350 тонна сифатли қурилиш маҳсулоти тайёрланади. Энг муҳими, маҳсулот учун зарур хомашёнинг 98 фоизи корхона тасарруфидоғи конлардан олинади.

Корхона раҳбари Қодиржон Аҳмедовнинг айтишича, бу ерда яратилган юздан ортқ иш ўрнига асосан касб-ҳунар коллежи битирувчилари жалб этилган.

**СУРАТДА:** «Turon eco cement» масъулияти чекланган жамияти операторлари Жамшид Жўраев ва Баҳодир Муталов.

Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.



Тадбир

Нефт-газ ва геология ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши билан Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида «Тил — миллат кўзгуси» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда профессор-ўқитувчилар, таниқли санъаткорлар, тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар иштирок этди.

Унда миллат тараққиётида тилинг тутган ўрни, «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти, мустақиллик йилларида ўзбек тилининг ривож, адабий тили меъёрларига риоя қилиш юзасидан қимматли фикрлар билдирилди. — Ушбу тадбир бизда катта таассурот қолдирди, — деди «Ялпи геология тасвирлаш, излаш экспедицияси» давлат корхонаси ходими Сетора Ҳайдарова. — Она тилимизнинг ниҳоятда бой эканлиги, унинг қаҳрига чуқур кирган сари ўзлигимизни теран англаб боришимизга оид кўплаб керакли маълумотларга эга бўлдик. Тадбир сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**С. МУСАЕВ,** «Тошкентгаз таъминот» УК касба уюшма кўмитаси етакчи мутахассиси

Ижтимоий шериклик


Меҳнатдаги ҳамкорлик самараси

Мамакатимизда янги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши меҳнат ҳуқуқлари соҳасида туб бурилиш ясади. Эндликда ҳар бир ишловчи манфаати муҳофазаси кенгайтирилган меъёрлар асосида таъминланади.

Меҳнат муҳофазаси муттасил тарзда ўзгариш киритиб бориш талаб этилаётган соҳа ҳисобланади. Электр таъминоти тизимида фаолият юритувчи корхоналарда бу яққол кўзга ташланади. Сир эмас, мазкур соҳа вакиллари ишидаги кичкинагина нуқсон ҳам катта кўнгилсизликларга сабаб бўлиши мумкин. Бундан, аввало, ходим ва унинг оиласи зиён кўради. Қолаверса, ташкилот ҳам моддий, ҳам маънавий зарарни қоплаши, йўл қўйилган камчиликни тузатиши керак. Меҳнат муҳофазасига тўғри ёндашилса, бундай қусурлар четлаб ўтилади, ортиқча сарф-харажатнинг олди олинади.

Корхонамизда ижтимоий шериклик асосида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар қонун доирасида белгилаб олинган. Шулардан бири «Ишлаб чиқаришда жараҳатланган ва касбий касалланишининг олдини олиш бўйича корхона дастуридир. Унда икки томонлама бажариладиган вазифалар аниқ белгиланган. Хўш, натижа қандай бўлаётми? Қайд этиш даркор, кейинги йилларда касбга доир касалликлар бўлса барҳам топди. Ҳар бир ишловчи бахтсиз ҳодисадан сугурталаб келинапти.

Жамоа шартномасидаги меҳнат муҳо-



фазасини ташкил этишга доир масалалар катъий назоратда. Жорий йилнинг ўтган 9 ойида ушбу тадбирларга режалаштирилганидан қарий олти баробар кўп маблаг сарфланди. Эътирофли жиҳати, ҳар қандай ҳолатда ҳам иш бевури келишув шартлари амал қилиб келаётми. Жумладан, жорий йилда ходимлар махсус кийим-бош, шахсий химёя воситалари, пойабзаллар билан таъминланган. Бундан ташқари, корхонамизга ишга қабул қилинган 28 нафар коллеж битирувчисини меҳнат муҳофазаси, ёнги ва саноат хавфсизлиги ҳамда саноат санитарияси йўналишларида ўқитиб, билимини оширдик.

Ҳар бир соҳада оғир ва зарарли иш ўринларини аниқлаш, тизимда меҳнат қилаётган ходимларга шароит яратиш зарур. Корхонамизда ҳам иш кўлаmidан келиб чиққан ҳолда шу масалага эътибор

қаратганмиз. Тармоқдаги 65 та иш жойи меҳнатнинг оғир ва зарарли ҳолатларини аниқлаш мақсадида шаходатдан ўтказилди.

Ходимлар саломатлиги — корхона ютуғи. Ижтимоий шериклик асосида бу масала ҳам ижобий ҳал этилаёпти. Жорий йилнинг ўтган даврида иш бевуричи маблаг ҳисобидан 598 нафар ходим тиббий кўриқдан ўтказилди. Соғлиғида муаммоси боз деб ҳисобланган 150 га яқин ишловчи маммурият ва касба уюшма кўмитаси кўмағида соғломлаштирилди.

Тизимда 30 га яқин меҳнатни муҳофаза қилиш-муҳандислари фаолият кўрсатади. Соҳа 26 нафар жамоатчи вакил томонидан назорат қилиб борилаётми. Ҳар уч ойда мутасаддиларнинг ўқувлари ташкил этилаёпти. Хавфсизлик қондаларига риоя қилишнинг аҳволи устидан тез-тез текширувлар олиб борилмоқда. Жумладан, 182 та иш ўрнида меҳнат муҳофазасига риоя этиш аҳволи ўрганилиб, аниқланган камчиликлар тегишли мутасаддилар жалб этилган ҳолда бартараф этилди.

Бир сўз билан айтганда, корхонамизда барча ишлар ҳамкорлик асосида ташкил этилаётгани боис меҳнат билан боғлиқ кўнгилсизликлар олди олинаётми. Эндликда фаолиятимизни янги қонун асосида ташкил этиб, бу борадаги саяёҳаракатни янада кучайтираёми.

**Наби НАЗАРОВ,** Самарқанд вилоят ҲЭТК АЖ касба уюшма кўмитаси раиси

Танлов

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бирга, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга муносиб ҳисса қўриш келаётган турли касб эгалари меҳнатини қадрлаш, уларни муносиб рағбатлантириш ишлари доимий равишда олиб борилмоқда.

Муносиблар аниқланди

Хусусан, 2012 йилдан бери ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётган «Ўз касбининг моҳир эгалари»ни тақдирлаш тадбирлари шу мақсадга хизмат қилмоқда. Бу йилги танловнинг Тошкент шаҳар бўйича илк босқичи август, кейинги босқичи сентябр ойларида ўтказилди. Қуйи босқичларда сараланиб, шаҳар босқичига йўлланма олган номзодларни танлаб олишда уларнинг соҳадаги кўп йиллик иш тажрибаси, эришган ютуқлари ҳамда жамоа орасидаги обрў-эътиборига алоҳида эътибор қаратилди. Танлов натижаларига кўра, турли тармоқларда меҳнат қилаётган 35 нафар иштирокчи ғолиб деб топилди.

— Ушбу рағбат бизни янада шижоат билан ишлашга даъват этади, — деди ғолиблардан бири Дилдора Исмаилова. — Келгусида билим ҳамда кўникмаларимни янада орттириб, республика босқичида ҳам муваффақият қозонишга ҳаракат қиламан.

Ғолиблар Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Юлдуз РУСТАМОВА,** Иқром ҲАСАНОВ олган сурат.



**Қарши шаҳрида ҳам «Ўз касбининг моҳир эгалари» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. 235 нафар номзод орасидан ҳар бир тармоқ бўйича беш нафардан ўз касбининг моҳир эгалари ғолиб деб топилди, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.**

Жумладан, Китоб туманидаги «Нуриддин бобо Раҳмонов» фермер ҳўжалиги бошлиғи Нуриддин Раҳмонов, «Яккабоғ гишт ишлаб чиқариш» МЧЖ соловчи бригадири Саидаскар Маъдиев, «Қарши ёғ-экстракция» очиқ акциядорлик жамияти ходими Нормамат Асадов ва бошқаларнинг кўп йиллик фидокорона меҳнати, бой тажрибаси эътироф этилди. — Касба уюшмалари томонидан ўтказилган ушбу танловда камтарона хизматини эътиборга олинганидан мамнунман, — деди Шаҳрисабз туман Мирокки шаҳарча фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зулфия Аллаева. — Шу соҳада 41 йилдан бери ишлаб келаётган. Бундай эътироф янада ўз устимда ишлаб, зиммамдаги вазифаларни бажаришда куч-қувват, ғайрат бағишлайди.

— «Қарши ёғ-экстракция» ОАЖда 1983 йилдан бун ишлаб келаман, — деди танлов ғолибларидан бири Нормамат Асадов. — Отам, амаким шу корхонада 40 йилдан ошқорқ вақт меҳнат қилиб, ҳалоллиги ва меҳнатсеварлиги билан обрў-эътибор қозонган. Бу анъанани муносиб бўлиш, жамоат ишларида фаол қатнашиш, шогирдлар тайёрлаб, корхона ривожига ҳисса қўшишга астойдил ҳаракат қиламан.

**Акмал АБДИЕВ,** «Ishonch» муҳбири

Реклама

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!  
**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич охиб бориш тартибидида ўтказилаётган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади**

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари кўйилди:  
1. Тошкент шаҳри, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси балансидаги Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Сахноски кўчаси, 3-А-а уйда жойланган умумий майдони 20 628 кв м бўлган «Мазмунли технология комплекси, иссиқхоналар, маданият ва истироҳат боғи»нинг бино-иншоотлари.  
**Бошланғич нархи — 44 421 125 948 сўм.**  
Балансда сакловчи: Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси.  
Фаолиятни икхтисоси: Аҳоли билан жисмоний соғломлаштириш ва маданий оммавий ишларни ташкил қилиш.  
Савдо ташкилотиниси: «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Кораканми кўчаси, 1-А-а уй. Тел/факс: (0-371) 228-84-48. Веб-сайт: www.koms.uz. Электрон почта: neltasvdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.  
**Аукцион савдоси 2016 йил 29 ноябр кўни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Кораканми кўчаси, 1-А-а уйда ўтказилади.**  
Аукцион савдоси шу кўни бўлиб ўтаган тақдирда, тақсирни савдолар 2016 йил 14, 29 декабр, 2017 йил 13, 30 январ, 14 феврал, 1, 17 март, 4, 19 апрел, 4, 22 май, 6 июн кўнлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.  
Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик байномаси имзоланган санадан бошлаб 20 кўндан кейинки олд-сўтди шартномаси тузилади. Таълиқдор давлат актив бошқаруви нархине 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда давлат ташкилотиниси «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг кўнлидаги банк рекавизитларга закалат пулвини тўлашга лозим: АИТБ «Итак Юл» Сабғиби филиали, ҳ/р: 2020800004020609114; МФО: 01036; СИТБ: 20122519.  
Аукционда қатнашишга буюртманомда қабул қилиш билдиришномаси эълон

қилинган санадан бошланади ва билдиришномда кўрсатилган аукцион савдоси қилинган санадан бошланади.  
Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотинисига таълиқдор фик унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:  
қўриқ ҳужжатлар учун — давлат рўйхатдан ўтказилган; тўғрисидаги гувоҳнома; нусхаси, изометр, ўлик вақолатли вақонинг аҳволида қўриқнинг ҳужжатларини ҳужжатининг нусхаси илова қилинган ишоннома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат туланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.  
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Кораканми кўчаси, 1-А-а уй.  
Маълумот учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23. Электрон почта: neltasvdo@inbox.uz. Интернет тармоқдаги веб-сайт: www.koms.uz, www.gki.uz, www.gklot.org.  
Хўматини тадбиркор ва ишонноманлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқлаётган ҳуқуқларини бузган тақдирда Давлат рақобат кўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч» телефонига аўдлик билан хабар беришингиз сўралади!  
Савдоларга марҳумат қилинган.  
**Хизматлар лицензияланган.**

Медиа-тур

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан «Электрон чиқиндиларнинг утилизацияси» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Таъкидландики, ҳозирда ҳажми тез суръат билан охиб бораётган чиқиндиларнинг тўғри бошқариш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бунда, айниқса, ярқиллик муддати ўтган маиший ва электрон техника-да мавжуд рангли металл чиқиндиларнинг утилизацияси алоҳида аҳамиятга эга.

Чиқиндилардан қимматбаҳо металл ажратилади



Айни пайтда электрон чиқиндилар инсоният олдида турган экологик муаммага айланиб улгурди. Эски, ярқисиз ҳолатга келган мобил алоқа воситалари, рақамли фотоаппаратлар, компютер, принтер, сканер каби турли хил электрон ускуналар ўз ўрнини янги ва замонавийларига бўшапти бермоқда. Бирлашган Миллатлар Таш-

килоти мутахассислари олиб борган тадқиқотларга кўра, ҳар йили ер юзидида 2 миллион тоннага яқин электрон чиқинди пайдо бўлади. Ваҳоланки, ҳозирда тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётган чиқиндилар таркибидида катта миқдорда олтин, қумуш ва мис бор.  
Мамакатимизда ҳам чиқиндилар тўпланиши муаммоси мавжуд бўлиб, улар-

ни қайта ишлаш билан саноқли корхоналар шуғулла-нади, холос. Шу мақсадда Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ва «Тошрангметзавод» акциядорлик жамиятининг мамлакатимиз аҳолиси экологик фаоллигини ошириш, қаттиқ маиший ва электрон чиқиндиларни утилизация қилишга йўналтирилган атроф-муҳит муҳофазаси бўйича қўшим-

ча чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган қўшма тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

— Юртимизда экологик вазиятни барқарорлаштиришга ҳисса қўшишни истаган ҳар бир фуқаро эски, ярқисиз техника воситаларини махсус пунктларга топшириши мақсадга мувофиқ, — дейди Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раиси ўринбосари Равшан Файзиев. — «Тошрангметзавод» акциядорлик жамияти рангли металлларни йиғиш ва қайта ишлаш соҳасида ихтисослашган ягона корхона бўлиб, унда замонавий асбоб-ускуналар, илғор технологиялар жорий қилинган, беш юзга яқин юқори малакали ходим фаолият кўрсатмоқда. Завод рангли металл парчалари ва чиқиндиларини йиғиш, бирламчи ишлов бериш, ишдан чиққан қўроғишшли аккумуляторларни тўплаш ва қайта ишлаш билан шуғулланади.

Анжуман доирасида «Тошрангметзавод» АЖга медиа-тур уюштирилиб, иштирокчилар рангли металл парчаларини қайта ишловчи экологик технологиялар урнатилган ишлаб чиқариш цехлари билан танишдилар.

Тадбир сўнггида журналистлар билан мавзу юзасидан фикр алмашилди.

**Қумуш ҲАМРОЕВА**

# ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

**Таълим фидойилари**  
**Дилбар Ғаниева**  
 Чилонзор туманидаги 126-мактабда она тили ва адабиёт фанидан болаларга сабоқ беради.  
 Қарийб 33 йилдан буён таълим соҳасида фаолият олиб бораётган педагог бу даврда қўлаб шоғирлар етиштирди. Улар айни кунда турли соҳаларда меҳнат қилиб келмоқда.



## Жонкуяр устоз

Дилбар опа ҳар бир дарсида она тилимиз нуфузига алоҳида эътибор қаратиб, ўқувчиларга тил миллат кўзгуси, жамият таянч эканлигини алоҳида ўқитибди.  
 — Тил — маънавиятимиз тимсоли. У кимлигимизни, кимларнинг авлоди эканлигимизни кўрсатиб туради, — дейди муаллим куюнчаллик билан. — Ҳар бир дарсида она тилимизга катта аҳамият берилган. Болаларнинг адабий тилда сўзлашиши, тўғри ва раво гапириши, ёзувда хатога йўл қўймаганини ўқитувчининг сабоғига боғлиқ. Натихада, ёш авлод қалбида ўз она тилига ҳурмат ошади. Тўғри ўсган ниҳол эса келажакда ўз мевасини бермай қолмайди, албатта.  
 Хизматлари эътирофи сифатида жонкуяр устоз ўтган йили «Халқ таълими аълоҳиси» деган номга мушарраф бўлди.

Ўз мухбиримиз Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

Мулоҳаза

## Керак бўлса, тушуниб ол

ёҳуд ижтимоий тармоқларда саводсизлик тарғиботи

Ижтимоий тармоқларнинг (facebook, odnoklassniki, telegram, Whatsapp...) қай бирига қарамаган, ранг-баранг танишувлар, эркин, қизиқарли ва бахсли мулоқотлар эътиборингизни тортади. Ҳатто ҳаётингиздаги айрим муаммоларни бартараф этishi борасида жўяли маслаҳатлар олиш имкони ҳам бор. Қизиқарли ва хайратланарли воқеалардан бохабар бўлиш, унга ўз муносабатингизни билдириш каби афзалликлар эса сизни интернет оламига тобора жалб қилади.

Аммо вақт ўтган сайин қадимги ҳикмат — «танганинг иккинчи томони» борлигини теранроқ ҳис этдим. Аввало, визуал оламда муносабатларнинг қуруқ ва жўнлашиб кетиши гашимин келтирди. Миангиз эса кераксиз аҳборотлар билан тўларкан.

Яна бир ачинарли жиҳати, саводхонлик масаласи. Мен айтмоқчи бўлган гап ҳам айнан тил ва имло қоидалари хусусида. Чорак асрдан ошдики, она тилимиз давлат тили сифатида ўз мавқийни тиклаб, изчил ривожланиб бормоқда. Бу борада барча имкониятлар ишга солинаётди. Айтиш жоизки, оммавий ахборот воситалари ҳамда ахборот технологияларининг ўшу жараёнда ўрни муҳим.

Жумладан, интернетдаги ижтимоий тармоқларда ўзбек тилида олиб борилаётган турли кўринишдаги мулоқотлар бевосита тилимиз бойлигини намоян этишда алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, ёшлар, олайлик, ўқувчилар орасида ижтимоий тармоқлар оммалашган бир пайтда шу масалага бор эътиборни қаратиш талаб этилади.

Афсуски, ижтимоий тармоқлардаги индивидуал ёки гуруҳлар ўртасидаги мулоқотларнинг бевосита иштирокчисига айланганининг сайин асабингиз бузила бошлади. «Керак бўлса, тушуниб ол» қабилдаги кўча сўзлашуви (жуذا бузилган шакли), ўзига хос алифбо («ш» харфи ўрнига «w», «ў» харфи ўрнига эса «4» рақами ва ҳ.к.) ва ниҳоят имло қоидаларига умуман эътибор қилмаслик каби ҳолатлардан кўз юмолмайсиз. Минг йиллар давомида шаклланган, ҳазрат Алишер Навоий бобомиз қўلларга кўраган тилимизни очикдан-очик ҳақоратлаш бўлиб туюлади бу.

Тилни, аввало, ўзимиз ҳур-

мат қилмас эканмиз, бошқалардан унга нисбатан кўнгилдагидек муносабатни тутиш кулгили. Мактабгача таълим муассасасидан тортиб олий таълимни яқунлағунга қадар она тили ва адабиёт бўйича тахсил оламиз. Бунинг учун давлат томонидан миллиардлаб маблағ сарфланади, қанчадан-қанча кадрлар тер тўқанди ва ўн йиллаб умримиз кетди. Натиха эса — ўшбу машаққатларни бир зумда унутдики, она тилимиз давлат тили сифатида ўз мавқийни тиклаб, изчил ривожланиб бормоқда. Бу борада барча имкониятлар ишга солинаётди. Айтиш жоизки, оммавий ахборот воситалари ҳамда ахборот технологияларининг ўшу жараёнда ўрни муҳим.

Ачинарлиси, бошқа соҳа вакиллари кўя турайтилик, бевосита тилни асраш ва ривожлаштиришга масъул бўлган филолог ёки журналистларнинг бунга ёндашуви оғрикли масала. Бир мисол. Telegram ижтимоий тармоғида курсдошларимизнинг (деярли 7-8 йиллик иш тажрибасига эга!) гуруҳи бор. Бир сафар айнан тил масаласида бахслашиб қолдик. Барчага аён бўлиб турган ҳолат: ўта кўп хатолар билан кетаётган жумлалар ҳамда қўйилаётган ижод намуналариди (мақола, шеър ва ҳ.к.) имло қоидалари ва мантиқ масалаларидаги камчиликларни танқид қилувдим, «тошбўрон» тағил қолдик. «Сен билган нарсани биз ҳам биламиз», «Хамма хоҳлаганча гапириши мумкин», «Муҳими, фикрни етказса оlish», «Ижтимоий тармоқда асосийси тезлик ва ҳозиржавоблик, хатолар эмас», «Бу шунчаки ижтимоий тармоқ бўлса...» каби иддаоли «асос»ларга дуч келиб, нима дейишни билмай қолдик.

Бир сўз билан айтганда, ҳаммамиз ижтимоий тармоқларга махлиё бўлганимиз

каби кўча тилида ўта хато билан ёзишни ўрганиб, ўзлаштириб ҳам бўлдик. Ундан қутулиш эса осон эмас. Негаки, биз ўзлаштириётган ижтимоий тармоқлар тили масъулият, савод, мантиқ ва фикрлашни талаб қилмайди. Шунчаки, ҳаётингизга келган гапни хоҳлагандек ёзишингиз мумкин. Сизни ҳеч ким танқид қилмайди, тергамайди. Аксинча, кўлаб «like» ёки «klass» йиғаётганингиздан мамнун бўлиб юравасиз.

Очигини айтايлик, она тили ва адабиёт дарслари мактаб, журналист ва филологлар меҳнати эса оммавий ахборот воситалари доирасидагина қилиб кетмаётими? Омманинг нигоҳи ижтимоий тармоқ турланишида. Натихада, тилимизнинг фидойилари, тилни муқаддас билгувчи кадрлар борган сари қамайиб кетаётгандек, назаримда. Яна ким билсин...

Кўриниб турибдики, тилимизни асраб-авайлаш борган сари долзарб аҳамият касб этаётди. Бу борада тилимиз фидойи мухтаassisларни жиддийроқ ўйлаб кўришга яхши бўларди. Шу ўринда гуруҳларимизга сабаб бўлгучи кўлаб сабаблар ҳам борки, фахр-ифтихор туямиз. Чунончи, Она тилимиз асрлар давомида даҳо аждодларимиз томонидан шу даражада сайқалланиб бизгача етиб келганки, бу муҳташам иморат унчамунча зилзиладан дарз кетмайди. Яқинда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолият бошлади. Унга ўқишга қирмоқчи бўлган абитурientлар сонининг ниҳоятда кўп бўлгани эса ёшларимизнинг она тили ва адабиётига бўлган меҳри банд эканидан дарак бераётди. Забардаст шоримиз Миртемир айтмоқчи:

*Она тилим — онажоним тили бу,  
 Бешикданок сингган жон-у қулоққа...*

Ҳа, қон-қонимизга сингиб кетган тилимиз халқимиз забониди, қалбида дунё турганча тургай...

Акмал ТОШЕВ,  
 «IsHonch» мухбири

### Реклама

**Барча юридик ва jismoniy шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!**  
**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этилади!**

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат акти тўғрисида қўйилди:  
 Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шаҳрисаба кўчаси, 35-ўй мажлисида жойлашган «Республика дом масулотларини ҳимоя қилиш экспедицияси» давлат унитар корхонаси (мол-мулк ва бино-иншоотлари билан бирга).  
 Бошланғич нархи — 2 715 477 719 сўм.  
 Савдо тартибидан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Коркамши кўчаси, 1-А-ўй. Тел/факс: (0-371) 228-84-48. Веб-сайт: www.1kms.uz. Электрон почта: neltavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.  
 Аукцион савдоси 2016 йил 9 ноябр кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Коркамши кўчаси, 1-А-ўйда ўтказилади.  
 Аукцион савдоси шу кун бўлиб ўтган тақдирда, тақрибий савдолар 2015 йил 24 ноябр, 12-27 декабр, 2017 йил 11 январ кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.  
 Аукцион савдолари натижалари бўйича гўлиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олд-сотди шартномаси тузилади.  
 Таъабдорлар давлат актив бўлидиган нархнинг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдидан савдо ташкилотчиси «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги банк реқвизитларига зақалат пулни тўлашлари лозим: АИТБ «Илҳом Ўрин» Сабоқ филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01038; СТИР: 207122519.  
 Аукционда қатнашишга бюртманома қабул қилиш билдиришомма эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришоммада қўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган кун савдо бўлишидан ўч соат олдидан тақом бўлади.  
 Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчиси талабдор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга бюртманомани икки нусxada тақдим этади:  
 юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вақилнинг алоҳида қатнашиши учун қирмоқчилик белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вақилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси тасдиқловчи вақилнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришоммада қўрсатилган банк ҳисоб рақамига зақалат тўловининг тасдиқловчи тўлиқ ҳужжатнинг нусхаси.  
 Муҳрат уқри мановат Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Коркамши кўчаси, 1-А-ўй.  
 Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.  
 Электрон почта: neltavdo@inbox.uz. Интернет тармоқидagi веб-сайт: www.1kms.uz. www.9142. www.9142.uz.  
 Хурматли таъабдор ва иштирокчилар! Савдоларни ўтказиш жараиди қирмоқчи билан қирмоқчиларнинг ҳуқуқларини булганган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақами йишонч телефонига эътибор билан алоқа беришингизга сўралади!  
 Савдоларга марҳумат қилинг!  
 Хизматлар лицензияланган.

### Миннатдорлик

## Қўлингиз дард кўрмасин

Ёшим етмиш бирда. Кўп йилдан буён юрак қон-томир, ўт қопи шамоллаши ва падагра хасталиклари билан курашаман. Яқинда Ўзбекистон касабба уюшмалари Федерациясига қарашли Даволаш-профилактика марказида даволандим.

Муассаса ходимларининг чуқур билими, бой тажрибаси, тиббий маданияти, беморларга меҳрибонлиги таҳсинга сазовор. Қувонарлиси, ўшбу маскан барча турдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Тиббий муолажалар навбатсиз, жадал асосида, беморларга қулай вақтда амалга оширилади.  
 Марказ ҳудуди «Турон» санаторийси билан туташиб кетган. Турфа ўсимликлар дунёси, йўлақлар атрофидаги анвоий гуллар, яшил майдонлар устидаги камалаксимон фавворалар эртанлардаги Эрам боғини эслатади. Тебранма ўринидаги ўтириб ҳузур толган кесалар ўзларини гўёки ёшаргандек ҳис этади. Бундай гўзал иқлимий шароит беморлар-

нинг соғайиши ва мароқли дам олиши учун жуда қўл келади.  
 Тиббий муолажалар давомида соғлигим яхшиланди. Бош шифокор ўринбосари, даволоччи врач-кардиолог Азиз Маматов, катта ҳамшира Сабоҳат Абдуллаева, уқаловчи шифокор Хайрулла Турсунов, муолажа ва физиотерапия бўлими ҳамширалари Ниғора Ғараева, Елена Назарбоева, Наташа Домрина, Шаҳноза Раҳимова, Саида Султонова, парҳез шифокори Умида Комилова ва кичик тиббиёт ходими Гулноза Эргашевага миннатдорлик билдираман.

Турсунпўлат ХОЛОВ,  
 Фахрий ўқитувчи,  
 Қарши шаҳри


### Маънавият бекати

— Пуллинг тафтига чой қайнатиб, зархал пиёлада қўлимга тутангиз сизга турмушга чиқаман, — деган экан кўп замонлар олдин ошқиб бир давлатмандаги чиройда тенгсиз қиз. Йигит бор биситини сотиб, пулини ўчоқда ёқиб, чой қайнатибди ва қизнинг талабини бажо келтирибди.

Аммо соҳибжамол пиёладаги чойни хўлаб ҳам кўрмабди.  
 — Бу давлатга эришишнинг осон бўлмаган. Замирида қанча меҳнат ётибди. Бир оғиз галимга ўйлаб ҳам ўтирмай зумда оловга ташлаб, кулга айлантирганинг нимаси? Шунча қийинчилик билан эришган мол-дунёнинг қадрига етмаган одам, менинг қадримга етармиди?! Эрта бир кун чиройдан айрилсам, пулларинг каби мени ҳам кулга айлантириб юборишинг ҳеч гап эмас. Синювмдан ўта олмадиган, — деб терс бурилиб кетибди. Ҳам давлатидан, ҳам қизнинг васлидан мосуво бўлган йигит (эндиликда бир бечора фақир) умрининг сўнгига-ча чегачилик қилиб кун кўрибди.  
 — Инсон борки, ҳар нарсани борида қадрлаши керак, — деганди мактабда бошланғич синфда илму маърифат улашган устозимиз Ботир Мийтанбоев. — Чунки, Аллоҳ ҳар кимга ҳам давлат беравермайди. Бердимки, қадрига етишни ўрганишимиз керак. Мен бу ерда фақат мол-дунёни назарда тутмаглан. Ота-она, ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғ, дўст-биродар биз-

## Чегачи

га Яратган инъом этган энг катта давлатдир. Барчасини эъозлашимиз, ҳаётлигида хурмат-иззатини жойига қўйишимиз лозим. Тилинг суяги йўқ. Айтилган сўз — отилган ўқ. Мулоҳаза қилиб, етти ўлчаб бир кесиб, сўнг сўзласак, асло кам бўлмаймиз. Синган сополни минг чегалаган билан изи қолади. Буни яхши англаб олишлар. Шундагина афсус қилишга ўрин қолмайди.  
 Йиллар ўтди. Қанча сувлар оқиб кетди. Устознинг ўғитлари ақлимизни таниган сайин қулғимиз остида тобора баландроқ жанангалар бўшлади. Бу орада ўзимиз билмаган ҳолда киминдир ранжитишга улгурдик ҳам. Қалбини орғитиб, сўнг кечирим сўраган пайтлар бўлди. Лекин муносабатимиз олдингидек бўлиб кетмаганини чу-



қур мушоҳада қилиб, минг чегалаган билан изи қолади, деган гапга иймон келтирдик.  
 Ишхонада шу ҳақда гап очилганда, устозларимиздан бири шундай деди:  
 — Қалб... Қадр... Бу сўзлар замирида инсоннинг тақдирига дахлдор бўлган бутун бир олам мўжасам. Қўнгил Аллоҳнинг назаргоҳидир. Бу бебаҳо неъматни пок тутайлик ва унга пок назар билан боқайлик. Унутмайликки, барчаларимизнинг борар манзилимиз битта. Шундай экан, омонат берилган бу ёруғ дунёда кўнгилмиздаги меҳр-муҳаббатни, саховату садоқатимизни гул мисол экиб кетайлик. Биздан ҳеч завол топмас бир чаманзор қолсин.  
 Ҳа, меҳр ва қадр туйғуси би-

лан яралган умримизнинг ҳар лаҳза-сиди бир олам ҳикмат яширин. Ҳикмат дурларини термоқ учун қўнгил кўзимизни ҳамшира очик тутайлик. Улуғларимиз қадрланган, қадр топсан, деб бежизга айтишмаган. Инсонга умр бир марта берилади. Уни қанчалик замунли ва чиройли ўтказиш ўзимизнинг сайи-харақатларимиз, атрофимизни ўраб турганлар ва ҳаётга бўлган муносабатимизга боғлиқ. Муносабатимизни меҳрга қорайлик, ҳаётимизни яхшиликка тўлдирайлик. Ана шундагина чегачилик қилган давлатманд ҳолига тушиб қолмаймиз.  
 Сиз бунга нима дейсиз, азиз ватандош?  
 Салим АБДУРАҲМОНОВ,  
 «IsHonch» мухбири

### Бунёдкорлик

## «Болажон»

таянч дастури асосида

Марғилон шаҳридаги 35-мактабгача таълим муассасаси тубдан қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қурилиш ишлари «Марғилон бинокор таъмир» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан амалга оширилди.

12 та гуруҳ учун мўлжалланган хоналар, сузиш ҳавзаси, ювиниш ва гигиена хоналари, ошхона, тиббиёт хонаси буткул ўзгача кўриниш олди. Ҳар бир гуруҳ учун ёзги айвонлар бунёд этилди.

Муассаса қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминланди. Кутубхона болалар бадий адабиётлари билан тўлдирилди. Муҳими, тақомиллаштирилган «Болажон» таянч дастури асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш, мактабга тайёрлаш, инновацион усуллардан фойдаланиш, педагогик жамоада соғлом муҳитни шакллантириш, тарбиячи ва ота-оналар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,  
 меҳнат фахрийси

**MUASSIS:**  
**O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi**  
 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

**Bosh muharrir:**  
 Jahongir Sharofboyev  
**Tahrir hay'ati:**  
 Abdulaziz Abdullayev, To'liqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshiev

**BO'LIMLAR:**  
**Kasaba uyushmalari hayoti** — 256-87-63  
**Huquq va xalqaro hayot** — 256-64-69  
**Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** — 256-82-79  
**Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** — 256-85-43  
**Reklama va o'lonlar** — 256-87-73  
**Manzillimiz:**  
 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy  
 E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz  
 Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

**HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:**  
**Qoraqalpog'iston Respublikasi** — (+998-91) 268-92-32  
**Andijon** — (+998-91) 475-23-60  
**Buxoro** — (+998-93) 653-50-81  
**Jizzax** — (+998-91) 943-67-44  
**Namangan** — (+998-90) 260-50-77  
**Navoiy** — (+998-93) 314-13-03  
**Samarqand** — (+998-97) 915-50-87  
**Sirdaryo** — (+998-90) 610-95-55  
**Surxondaryo** — (+998-91) 233-69-07  
**Farg'ona** — (+998-91) 141-27-70  
**Xorazm** — (+998-90) 719-48-00  
**Qashqadaryo** — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:**  
 A.Toshev  
**Navbatchi:**  
 N.Mahamov  
**Musahhih:**  
 S.Shodiyeva  
**Sahifalovchi:**  
 H.Abdullajilov  
**«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.**  
**Korxonalar manzili:**  
 Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
**Gazeta «IsHonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.**  
 Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tobaq. Buyurtma T — 1015. 13619 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133  
 Bosishga topshirish vaqti — 21:00  
 Topshirildi — 21:20  
 1 2 3 4 6  
 Taqdirning xosob rambari: 2021 0000 0004 3052 7001.  
 ATIB «Innoteka bank» Yashobod filialini, bank kodini: 00959, STIR: 201133889, OKONCH: 87100